

А Ж Р И М

2022 йил 4 ноябрь куни жиноят ишлари бўйича Қамашу туман судининг биносида, очиқ суд мажлисида, шу суднинг раиси О.Мустафаев раислигида, судья ёрдамчиси А.Жумаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қамашу тумани прокурори ёрдамчиси Б.Бозоров, гумон қилинувчи А.Қ ва унинг ҳимоячиси-адвокат Т.Рахимов, жабрланувчилар Ж.И ва И.Иларнинг иштирокида,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумонланган:

_____ туғилган миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, _____

_____ -сонли жиноят ишини кўриб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и;

Дастлабки тергов органи ҳужжатларига кўра, А.Қ 2022 йил 24 август куни соат 05:30 ларда “Къ” русумли 7 давлат рақамли транспорт воситасида Қамашу тумани Сарбозор МФЙ ҳудудидан ўтган 4Р79 рақамли “Қарши-Шахрисабз” йўлининг 30 км.да Шахрисабз-Қарши йўналишида ҳаракатланиб келишда, транспорт воситаларининг ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиб ҳаракатланиб, амалда бўлган “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 12-бандига кўра транспорт воситасини мастлик ҳолатида (алкоголь, гиёҳванд моддалар истеъмол қилган ва ҳ. к.), сезгирлик ва эътиборни сусайтирадиган дори-дармонлар таъсирида, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган даражадаги чарчоқлик ва бетоблик ҳолатида бошқариш таъқиқланса-да, ушбу талабларни кўпол равишда бузиб ҳаракатланиб, ухламасдан йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган даражадаги чарчоқлик пайдо бўлганида ҳам транспорт воситасини бошқаришни давом эттириши натижасида ухлаб қолиб, транспорт воситаси бошқарувни йўқотиб, йўлнинг чап томонига чиқиб кетиб, йўл транспорт ҳодисаси содир қилиб, транспорт воситасида йўловчи сифатида орқа ўриндиғида ўтириб келаётган Исаков Жаҳонгир Рустамовични оғир шикаст олишига, транспорт воситасини олд ўнг томон ўриндиғида ўтириб келаётган И.Ини енгил шикаст олишига сабабчи бўлган.

Натижада Ж.И ва И.Илар тан жароҳати олишига сабабчи бўлиб, ўзининг бу жиноий қилмиши билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбланиб, у жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан иш судга юборилган.



РСТЕИАМ ҚФ Қамаши тумани суд тиббий экспертиза бўлинмасининг 2022 йил 15 сентябрдаги №331/93-Хуж-Раҳ сонли хулосасига кўра Ж.Ига оғирлик даражаси бўйича соғлиқнинг узоқ муддатга бузилишига олиб келган оғир тан жароҳати етказилганлиги аниқланган.

РСТЕИАМ ҚФ Қамаши тумани суд тиббий экспертиза бўлинмасининг 2022 йил 15 сентябрдаги №330/213-Раҳ сонли хулосасига кўра, И.Ига оғирлик даражаси бўйича соғлиқнинг қисқа муддатга бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати етказилганлиги аниқланган.

Х.Сулаймонова номидаги суд экспертизаси маркази Қашқадарё вилоят бўлимининг 2022 йил 27 сентябрдаги 2819-сонли автотехник экспертизаси хулосасида “К” русумли 7 давлат рақамли автомашина тормоз тизими носозлик ташқи томондан катта куч таъсир этиши, яъни транспорт ходисаси натижасида вужудга келгани, бунда автомашина ҳайдовчиси транспорт ходисасини олдини олиш имкониятига эга бўлганми деган савол ўз мантиғини йўқотиши, “К” русумли 7 давлат рақамли автомашинага транспорт ходисаси натижасида 20.391.920 сўм моддий зарар еткани аниқланган.

Жабрланувчи Ж.И суд муҳокамасида, А.Қ ўз айбига тўлиқ иқроор ва пушаймон бўлиб, ундан кечирим сўраганлиги, етказган моддий ва маънавий зарарларни тўлиғича қоплаганлиги сабабли, у билан ўзаро ихтиёрий ярашганлиги, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, А.Қга оид жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни сўради.

Жабрланувчи И.И суд муҳокамасида, А.Қ ўз айбига тўлиқ иқроор ва пушаймон бўлиб, ундан кечирим сўраганлиги, етказган моддий ва маънавий зарарларни тўлиғича қоплаганлиги сабабли, у билан ўзаро ихтиёрий ярашганлиги, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, А.Қга оид жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни сўради.

Гумон қилинувчи А.Қ суд муҳокамасида, ярашув тўғрисида ариза тақдим қилиб, айбига иқроор ва пушаймон эканини, жабрланувчилар Ж.И ва И.Илардан кечирим сўраб, ўзаро ихтиёрий ярашганини, етказилган моддий ва маънавий зарарларни қоплаганини билдириб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Суд, жабрланувчилар Ж.И, И.Илар ҳамда гумон қилинувчи А.Қларнинг ишни ярашув асосида тугатиш ҳақидаги аризасини кўриб чиқиб ҳамда прокурор ва ҳимоячининг жиноят ишини ярашув асосида тугатиш ҳақидаги фикрини муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра ишни ярашув асосида тугатишликни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида ушбу Кодекснинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс,



агар у ўз айбига иқрор бўлса ва жабрланувчи билан ярашса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмида жабрланувчи ЖКнинг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича айбланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Жабрланувчилар Ж.И ва И.Илар судга тақдим қилган аризасига кўра гумон қилинувчи А.Қ билан ярашган.

Гумон қилинувчи А.Қ илгари судланмаган шахс бўлиб, ўз айбига тўлиқ иқрор ва пушаймон, етказилган моддий зарар қопланган.

Суд, гумон қилинувчи А.Қнинг ўз айбига иқрорлиги ва жабрланувчи билан ярашганлигини, жиноят орқасида жабрланувчига етказилган моддий зарар қопланганлигини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги Қарорнинг 1-3 ва 9 бандлари талабларига риоя қилган ҳолда иш бўйича улар ярашганлиги ҳақида юритилган суд мажлиси баённомасини тасдиқлашни, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан унинг айблилик масаласини ҳал қилинмасдан жиноят ишини тугатишликни лозим топди.

Юқорида баён қилинганларга кўра Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 401, 585, 586-моддаларини қўллаб, суд ажрим қилди:

а ж р и м қ и л д и:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумонланган А.Қ билан жабрланувчилар Ж.И ва И.И ярашганлиги ҳақидаги суд мажлиси баённомаси тасдиқлансин ҳамда А.Қга нисбатан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖК 66¹-моддаси ва ЖПК 84-моддаси 4-қисмига асосан тугатилсин.

Жабрланувчиларга етказилган зарар қопланганлиги қайд қилинсин.

Ажрим устидан тарафлар, судланувчи ва жабрланувчи 20 кунлик муддат ичида Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига хусусий тартибда шикоят бериши ҳамда прокурор протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

О.Мустафаев

